

ФОРОБИЙНИНГ ШЕЪР САНЪАТИ ХУСУСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15654659>

Абдуллаева Насиба Бўроновна

Ф.ф.д.доцент

Ўзбекистон миллий университети.

Тошкент. Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада Форобийнинг шеър санъатига оид қарашларига эътибор қаратилган. Форобий шеърни фақатгина кўнгилочар восита сифатида эмас, балки инсонни ахлоқий жиҳатдан тарбиялайдиган восита сифатида ҳам кўради. У таълим бериш ва яхши хулқ-атвор шакллантиришда шеър санъати муҳим роль ўйнаши керак, деб ҳисоблайди. Ушбу мақолада мутафаккирнинг шеърнинг бадиий-эстетик жиҳатлари қарашлари тадқиқ этилган.

Таянч тушунчалар: эстетика, шеър, истеъдод, қобилият, тасаввур, адабиёт

Аннотация Статья посвящена взглядам Фароби на искусство поэзии. Фароби рассматривает поэзию не только как средство развлечения, но и как средство нравственного воспитания человека. Он считает, что искусство поэзии должно играть важную роль в обучении и формировании хорошего поведения. Исследованы взгляды мыслителя на художественные и эстетические аспекты поэзии.

Ключевые слова: эстетика, поэзия, талант, способности, воображение, литература

Abstract. The article is devoted to Farabi's views on the art of poetry. Farabi considers poetry not only as a means of entertainment, but also as a means of moral education of a person. He believes that the art of poetry should play an important role in teaching and shaping good behavior. The author examines the views of the thinker on the artistic and aesthetic aspects of the poem.

Keywords. Aesthetics, poetry, talent, abilities, imagination, literature

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Форобий эстетик қарашлари ўзбек фалсафаси ва умуман ислом фалсафасининг муҳим масалаларидан биридир. Форобий эстетик ғоялари унинг мусиқа, санъат, жумладан шеър санъати ҳақидаги таълимотларида ўз ифодасини топган. У ахлоқ ва санъатни ажралмас деб ҳисоблайди. Форобий фан, санъат ва ахлоқни бир-бири билан боғлаган. Бугунги интердисциплинар ёндашувлар даврида бу ўта муҳим ғоя ҳисобланади Айниқса, бугун глобаллашув жараёнида жамиятда маънавий кадриятлар долзарб масаладир. Форобийнинг гўзалликни маънавий тарбия

билан боғлаши бугун ҳам долзарб ҳисобланади. Алломанинг эстетик қарашлари ёш авлоднинг камолоти учун муҳимдир.

Мақолада Форобийнинг шеър санъатига оид қарашларининг замонавий аҳамиятини таҳлил этиш мақсад қилиб қўйилган.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Форобийнинг шеър санъатига доир қарашларини таҳлил этиш;
- Шеърда бадиийлик ва эстетиклик трансформациясини кўрсатиш;
- Форобийнинг бадиий асарда қаҳрамонларнинг характерларини очиб беришда бадиий унсурларнинг аҳамияти ҳақидаги фикрларини изоҳлаш;
- Форобийнинг шеър санъати хусусидаги қарашларининг замонавий аҳамиятини таҳлил қилиш;

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Форобий эстетикаси бўйича илмий изланишлар олиб борилаётган тадқиқотлар учун назарий-методологик манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Методлар. Форобийнинг шеър санъатига оид қарашларини ўрганишда мантиқийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, таққослаш каби усуллардан фойдаланилган.

Илмий муаммони қўйилиш. Форобий асарлари олимлар томонидан турли йўналишларда таҳлил қилинган ва кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, М.Хайруллаев, О.Файзуллаев, Н.Баратов А.Шарипов, Р.Носиров, Б.Тўйчиев, Б.Тўраев, Ф.Юлдашев, М.Тулаганова, Н.Агзамова, Ж.Юсубов каби олимларни айтиб ўтиш мумкин.³⁷³

Форобийнинг эстетик қарашларига оид ўзбек ва МДХ олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлсада аммо, шеър санъати хусусидаги қарашлари фалсафий жиҳатдан етарлича таҳлил этилмаган. Ушбу мақолада Форобийнинг шеър санъатининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилади.

³⁷³Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси / Ўзбекистон Республикаси ФА И.Муминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. - Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ”, 2006. – Б. 124-266. Баратов Н. Основные принципы этики. Фараби и их развитие в передовых мыслителей. Автореф.на соиск. учен. степени канд. филос. наук. - Т., 1981. -С. 20. Шарипов А. Великий мыслитель Абу Рейхан Бируни. - Ташкент: Узбекистан, 1972. – 175 с. Насыров Р. Вопросы теории познания во взглядах прогрессивных мыслителей Средней Азии. - Ташкент: Фан, 1988. – 120 с. Каримов И.А. Собрание сочинений. Т. 1-24. –Ташкент: Узбекистан. 1996-2016. Тўраев Б., Раматов Ж. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий тарихий илдизлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 76 б.; Шарипов М. Великий мыслитель Абу Рейхан Бируни. - Ташкент: Каримов Б., К.Мираъзамов. Миллат равнақи ва тил муаммолари. – Т.: Фан, 1993. -28 б. Тўйчиев Б.Т. Социальная философия Абу Насра аль Фараби. Н.Агзамова Музыкальная эстетика Фараби и Ибн Сина. Тошкент PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, - Тошкент, 2014, - 127 б. Юлдашев Ф. Абу Наср Форобийнинг ақл ва билим эволюцияси ҳақидаги қарашлари. ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, - Самарқанд, 2018, - 133 б. Тўлаганова М. Учение ал-Фараби о диалектике в контексте современной теории аргументации. ф.д.(PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, -Т.:, - 128 б. Юсубов Ж. Абу Наср Форобийнинг маънавий-ахлоқий камолот ва шахс баркамоллиги ҳақидаги таълимоти. ф.д.(PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс., -Т.: 2020.

Асосий қисм. Марказий Осиёнинг қомусий мутафаккирларидан бири Абу Наср Форобий эстетика ривожига улкан ҳисса қўшди. Унинг бу борада адабиёт назариясига оид қарашлари алоҳида эътирофга сазовор. “Шеърят санъати ҳақида рисола”, “Адабиётда мунозара ҳақида рисола”, “Риторика ҳақида рисола”, “Шеър ритми ҳақида”, “Шеър санъати асослари ҳақида рисола” ларида шеър билан боғлиқ кўплар ғоялар муҳокама қилинади. Шунингдек, Аристотелнинг *“Поэтика”* асарига фалсафий ва мантикий шарҳлар беради. Унда шеърнинг табиати, турлари, мақсади ва таъсири таҳлил қилинади. Форобий бу асарда шеърни инсоннинг маънавий тарбиясида ва жамиятга таъсир кўрсатишда муҳим восита сифатида кўради. “Катта мусиқа китоби” асар мусиқа ҳақида бўлса ҳам, у ерда шеър ва мусиканинг умумий таъсири, ритм, вазн ва психологик таъсирига оид муҳим назариялар бор. Шеър ва мусиқа ўртасидаги эстетик алоқалар чуқур таҳлил қилинади. Юқорида келтирилган асарларда шеър мазмуни ва шакли ўртасидаги уйғунлик муаммоси, шунингдек, байт, ғазал, маснавий ва ҳоказолар ҳақида сўз боради.

Шеър санъати - бу адабиётнинг энг қадимий ва мураккаб турларидан бири бўлиб, у инсоннинг ҳис-туйғулари, фикрлари, руҳий кечинмалари ва ҳаётга бўлган муносабатини образли, мусиқага мойил ва таъсирчан шаклда ифодалашга қаратилган. Шеър — бу нафақат гўзал сўзлар тўплами, балки у маъно, вазн, қофия, образ ва ички мусиканинг уйғунлигидир. Унда сўзлар нафақат маълумот, балки эстетик таъсир ҳам бериш учун танланади. Форобий шеър санъатининг инсон ҳиссиётига таъсирига катта эътибор қаратиш билан бирга, шоирлар ва уларнинг истеъдоди хусусида ҳам қарашларини баён этади.

Абу Носир Форобий шеърят санъатига оид рисоласида шоирларни уч турга бўлиш мумкинлигини кўрсатиб ўтган ва буни ҳозирги замонда ҳам қимматли фикр, дейиш мумкин. Абу Наср Форобий биринчи тоифага мансуб бўлганларни шундай таърифлайди: “Биринчиси: табиий истеъдод ва ижодий қобилиятга эга бўлган ва шеър ўқиш қобилиятига эга бўлганлар ва кўп ҳолларда шеър жанрида ёки муайян жанрда улар ажойиб таққослаш ва метафораларни ўйлаб топишга мойилдирлар.” Олимнинг фикрича, бундай истеъдод ва қобилиятга эга шоирлар шеърят санъатидан етарлича хабардор бўлмасалар ҳам, ўзларининг туғма истеъдоди, сўзлаш қобилияти билан катта шухрат қозонадилар.

Иккинчи гуруҳга мансуб шоирлар: “Шеърят санъати қонуниятларини чиндан ҳам яхши билган кишилар. Қайси соҳага кирмасинлар, шеърни ифодалаш воситаларининг ҳеч бири, шеърят қанонларининг бирортаси ҳам уларга бегона бўлмайди. Бу шоирлар ўхшатиш ва метафораларни моҳирона ўйлаб топишда ажойиб қобилиятга эга. Қонунга кўра, бундай шоирлар “тафаккурчи” шоир мақомига лойиқ”. Бинобарин, бундай шоирлар шеър ва сўз назариясидан маълумотга эга, юксак касбий билим ва тажрибага эга замонавий ижодкорлар эканлигига шубҳа йўқ.

Абу Наср Форобийнинг ёзишича, шоирларнинг учинчи «аввалги икки гуруҳ шоирларига ва уларнинг ижодига тақлид қилиб, ўзлари яратган нарсаларни сақлаб, қиёс ва метафораларда уларга тақлид қилувчилар киради. Олимнинг фикрича, уларда туғма шеърый истеъдод йўқ ва уларда шеърый санъат қонун-қоидаларини тушуниш қобилияти ҳам бўлмайти. Шунинг учун у тоифага мансуб шоирлар ижодида камчилик ва хатоликлар кўп бўлишини таъкидлайди.

Абу Наср Форобий шеър ёзилишида шоирнинг маънавий ҳолати, кайфияти, ғоясининг конкретлиги, унинг ҳаётига бевосита дахлдорлигига эътибор қаратиш лозим. Аллома табиий истеъдодлилар каби тасодифий шоирлар ҳам шеър ёзиш борасида буюк шеърлар ёзишлари мумкинлигини бутунлай инкор этмайти: “Баъзан тасодифан санъат билан шуғулланган одам жуда зўр шеърлар ёзиши мумкин дейди.

Форобий бадий асарда қаҳрамонларнинг характерлари қандай очилиши ҳақида ҳам фикр юритиб, бундай дейди: “Бадий асарда тасвирланган инсоннинг феъл-атвори кўпроқ ўзининг ҳаёлларига (яъни, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларига) боғлиқ бўлади. Булар кўпинча (адиб, шоирнинг) билими ё андишасига боғланади”. Бу фикрни турлича тушуниш мумкин. Бизнингча, Форобий бу ерда адиб, шоир, рассом (тақлидчи, тасвирловчи)нинг ҳаёллари (ҳаёт, одамлар ҳақида тасаввурлари), билими, фикр-ўйлари бадий асар қаҳрамонининг феъл-атвори, характерига таъсир кўрсатади. Маънавий баркамол, етук-даҳо ижодкорларнинг асарларида қаҳрамонлар ҳам (агар у идеал ёки ижобий қаҳрамон бўлса) жасур, адолат ва ҳақиқат, озодлик учун курашувчи бўлади.

Шеърда шоир кўпинча бевосита айтмайти, балки образлар орқали фикрини билдиради. Булар метафора, ташбеҳ, киноя каби бадий санъат воситалари орқали амалга ошади. Форобийнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-эстетик, маънавий-тарбиявий қарашлари, назарий хулосалари кенг қамровли ва ранг-баранг бўлиб, моҳият мазмунига кўра нафақат ўз замонаси учун, балки ҳозирги даврда ҳам жуда аҳамиятлидир.

Форобий шеър ёзиш билан эмас, шеърнинг назарий жиҳатлари, унинг табиати ва унинг инсон руҳиятига таъсири ҳақида ёзган. музика ва шеър ўртасидаги яқинликни таъкидлаган — ҳар иккиси инсон руҳига таъсир қилувчи омиллардир. Форобийнинг шеър санъати ҳақидаги қарашлари кўпроқ теориявий, эстетик ва фалсафий жиҳатларига бағишланган. Унинг мақсади шеърятни эмпирик ёки ижодий фаолият сифатида эмас, балки инсон маънавияти ва тафаккурига таъсир қилувчи санъат тури сифатида тушунтириш бўлган. Форобий шеърни инсоннинг ҳис-туйғуларини, ғояларини ва фикрларини гўзал ва таъсирли шаклда баён қилиш воситаси сифатида кўради. Унга кўра, шеър инсониятнинг ахлоқий ва эстетик камолотида хизмат қилиши керак. Форобий шеърни фақатгина кўнгилочар восита сифатида эмас, балки инсонни ахлоқий жиҳатдан тарбиялайдиган восита сифатида ҳам кўради. У таълим бериш ва яхши хулқ-атвор

шакллантиришда шеър санъати муҳим роль ўйнаши керак, деб ҳисоблайди. Форобий мусиқа ва шеър ўртасидаги боғлиқликни ҳам таъкидлар экан, шеърдаги вазн ва ритмни мусиқий унсур сифатида кўради ва уларнинг инсон ҳиссиётига таъсирини ўрганади. Форобий фикрига кўра, ҳақиқий шоир — бу илмий билимга ва фалсафий тафаккурга эга бўлган инсон. У шеър яратишни илмий асосда англашни таклиф қилади. Яъни шеър фақат эҳтирос, ҳиссиёт эмас, балки тафаккур маҳсули ҳамдир. Форобий шеъриятни фалсафа, мантик ва ахлоқ билан боғлайди. Унинг фикрича, яхши шеър фақат гўзал туйғулар эмас, балки ақл ва ахлоқ учун ҳам фойдалидир. Унга кўра, шеър инсонни комиллик сари етаклаши керак — бу ғоя *фалсафий поэтика* деб аталадиган йўналишда муҳим ҳисобланади.

Форобий шеъриятда ахлоқийлик ва нафосат, гўзаллик ва бунёдкорлик уйғунлиги, ахлоқ, ватанпарварлик, муҳаббат каби ғояларни сингдиришга катта эътибор қаратади. Алломанинг эстетик қарашлари бугун ҳам долзарб ва у кўплаб тадқиқотлар объекти бўлиб қолаверади.

Адабиётлар рўйхати

1. Аль-Фараби. Риторика // Логические трактаты. - Алма-Ата: Наука, 1970. –С. 462-463.
2. Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. – Алматы.: Наука, 1975, с. 347.
3. Алиқулов Х.А. Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-маънавий мероси. - Тошкент: Noshir, 2012. - 110 б.
4. Көбесов А. Әл-Фарабидің әлемі: көмекші оқу кұралы / А. Көбесов. – Алматы: Санат, 2002. – Б. Қазақ халқының философиялық мұрасы: жиырма томдық. Т. 3. Әл-Фараби философиясы / құраст., алғы сөз Ә. Нысанбаев, Ғ. Құрманғалиева; Т. Ғабитов ж. б.– Астана: Аударма, 2005. – 494 б.
5. Бердибай Р. Образ аль-Фараби в художественной литературе // Аль-Фараби и развитие науки и культуры стран Востока. - А.: 1974, стр. 84-86.
6. Тусупова А.К. Образы аль-Фараби и исторических личностей в прозе А.Алимжанова // Наследие аль-Фараби и мировая культура. - А.: 2001, стр. 463-469.
7. Касымжанов А.Х. Абу Наср аль-Фараби. –Москва: Мысль, 1982. – С. 197.
8. Соловьев Г.Г. Философия аль-Фараби и исламская духовность. – Алма-Ата, 2005;
9. Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. – Алматы.: Наука, 1975, с. 3
10. Юлдашев Ф. Форобий ақл ва дилнинг маънавий-ахлоқий мезонлари ҳақидаги қарашларининг бугунги кундаги аҳамияти. // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2013. – № 14)3/1-сон. Б.121-125
11. Мирзаев.А. Абу Наср Форобийнинг мусиқа илмига оид қарашлари. Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities Hosted online from Plano, Texas, USA. Date: 1 st May - 2024 ISSN: 2835-3196 Website: econferenceseries.com 232 | P a g e